



ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШДА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Сувонова Гўзал Асроровна

катта ўқитувчи

Самарканд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети.

Давронова Нигора Зиёқуловна

ўқитувчи

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, 36-мактаб.

Аннотация. Ушбу мақолада педагогик маҳорат ҳамда мактабларда таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда ўтказиладиган "Маҳорат дарслари" ва уларнинг аҳамияти түғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Аннотация. В данной статье представлена информация о педагогическом мастерстве и значении урока «Мастер класс», проводимых в школах для повышения качества образования и профессионального мастерства учителей.

Abstract. This article provides information on pedagogical excellence and the importance of the "Master Class" lesson held in schools to improve the quality of education and the professional skills of teachers.

Калит сўзлар: Таълим сифати, маҳорат дарслари, ёндошув, самарадорлик, ахборот ресурс, усул, педагогик технология, таълим-тарбия, педагогик фаолият, билим, кўнигма, малака, интеллектуал қизиқиши.

Ключевые слова: Качество образования, классы мастер класс, эффективность, информационный ресурс, метод, педагогическая технология, образование, педагогическая деятельность, знания, умения, компетентность, интеллектуальный интерес

Key words. Quality of education, classes, master class, efficiency, information resource, method, pedagogical technology, education, pedagogical activity, knowledge, skills, competence, intellectual interest

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфасига, ақлий салоҳиятига ҳамда касбий маҳоратига нисбатан алоҳида масъулиятлар юкланган. Ўқитувчи - Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини барпо этувчи, дунёга машҳур мутафакир ва олимларнинг давомчиси бўлган ёш авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахсадир. Шундай экан, ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси, унинг ўкувчилар, ҳамкаслар ҳамда отоналар ўртасидаги обрў-эътибори ҳозирги замон талабларига мос бўлиши шарт. Ўқитувчи баркамол авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахс бўлиб, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўrnak бўлиши, шу билан





бирга, педагогик маҳоратини ҳам намоён эта олиши, етук ўқитувчи сифатида малакали кадрларни тайёрлаш, ишига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиши зарур. Ўқитувчининг маҳоратга эга бўлиши таълим-тарбия самарадорлигини таъминловчи замин бўлибгина қолмасдан, айни вақтда, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини ҳам оширади, ўқувчиларга унга нисбатан хурмат юзага келади. Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади[4-7].

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилган. Бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни йил сайн янгиланиб, замон талабларига мослашиб бормоқда. Педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқувчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаши, дарсларда педагогик ва ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини уйғунаштириш малакасига эга бўлиши ва уни ривожлантириш истиқболларини очиб бериши керак.[2]

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022-йил 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис охирги тўрт йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар мавқеини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.


Давлатимиз раҳбари бу ҳаёт-мамот масаласи эканини таъкидлади.

- Бу соҳадаги ислоҳотларни кечикиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни сафарбар қиласиз. Қийин йўлни танляяпмиз, лекин шу йўл муаммоларни ечишини таъкидлади [1].

Президентимиз Мирзиёев. Ш эндиликда юқори малакали, ўз устида доимий ишлайдиган муаллимлар фаолиятини янги ёндашувлар асосида қўллаб-куватлаш, маҳоратли педагоглар тажрибасидан самарали фойдаланиб, уларнинг ўқитиш методикасини оммалаштириш каби вазифаларни илгари сурди.

Бунда ўқитувчи билимли бўлмаса, келажак авлодга ҳеч нарса бера олмаслиги қайд этилар экан, бугун айрим педагоглар сифатли дарс ўтишга эмас, кўпроқ соат олишга интилиши алоҳида таъкидланди[1].

Йиғилишда Халқ таълими вазири Баҳтиёр Саидов таълим сифатини оширишдаги икки асосий вазифани санади яъни биринчи вазифа





ўқитувчиларнинг билим савияси, касб маҳоратини ошириш бўлиб, иккинчиси бу ўқувчилар учун замонавий дарсликлар яратиш ҳисобланади.

Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов таъкидлашича, таълим сифатини оширишдаги биринчи асосий вазифаси биз педагогларнинг зиммасига юкланадиган вазифалардан бири ҳисобланади [1].


2022 — 2026 йилларда тасдиқлан халқ таълим министрлигидан ривожлантириш бўйича миллий дастурида ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини, доимий касбий ривожланишдаги талабчанлигини ошириши белгиланган[3].

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилган. Бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни йил сайн янгиланиб, замон талабларига мослашиб бормоқда.

Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур? Аввало у ўз мутахассислиги бўйича таълим берадиган фанлардан педагогик технологияларга асосланган дарсларни таъминлаши, педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқувчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаши, ўқув машғулотларида педагогик ва ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини уйғунлаштириш малакасига эга бўлиши, таълим муассасаларида фанларни ўқитиш мазмунига мос равища педагогик тизимни лойиҳалай олиши, таълим берадиган фанлар туркумини ривожлантириш истиқболларини очиб беришга қаратилган илмий изланишларни муентазам амалга ошира олиши зарур[8-10].

Ўқитувчи аввало ўқув-тарбиявий жараёни ва унинг ташкил этиувчиларини самарадор технологиялардан фойдаланиши учун ҳар бир конкрет ҳолат учун уларни тўғри танлаб олишни, диагностикалашни, олдиндан билишни ва берилган даражада ва сифат жараёнини лойиҳалашни жуда яхши билиши зарур. Мектабларда олиб бориладиган дарсларнинг ўтказилиш даражаси, ўқитувчи ёки малакали мутахассиснинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Дарс мазмунининг қай даражада етказиб берилиши ва тингловчилар томонидан назарий ҳамда амалий кўникмаларнинг ўзлаштирилиши таълим сифатини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ана шундай талабларга жавоб берадиган малакали мутахассиснинг маҳоратли педагоглар томонидан “Маҳорат дарслари” ни ўтказилиши ҳам таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишини омил ҳисобланади.

Маҳорат дарслари қўлланиш соҳалари ва кўрамига кўра қамрови кенг тушунча ҳисобланади. Таълим тизимида “Мастер класс” ёки “Маҳорат дарслари” ҳақида сўз борар экан, қадим Хитой цивилизациясини қуидаги ҳикматли сўзларини келтириб ўтиш мақсаддага мувофиқ деб ҳисблаймиз: “Менга айтинг ва мен унутаман”, “Менга кўрсатинг ва мен эслаб қоламан” ва “Ўзимни ҳаракат қилишга ижозат беринг ва мен ўрганаман” (Қадим Хитой донишмандлиги:





ҳикматлитой дониш Бизнингча, барча таълим тизимларида мавжуд фанларни ўқитишида юқорида келтирилган хитой ҳикматларига асосланиши керак [5-10].

Ҳар бир “Маҳорат дарслари” замонавий билим бериш усуллари юзасидан тажриба алмашиш, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг фан назарияси ва методикасига оид билимларини мустаҳкамлаш, амалиётда қўллаш кўнилмаларини ривожлантириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишига оид янги усуллар билан таништириш, фанлар бўйича янги яратилган методик қўлланмалар, тестлар, ахборот ресурсларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланишларига ёрдам бериш, шунингдек, доимий тарзда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз равишида ошириб бориш мақсадида ўтказилади.


“Маҳорат дарси” ўтказадиган ҳар бир педагог ўзи ўқитадиган фан ва бу фан билан чамбарчас боғлиқ фанларни аъло даражада билиши, рақобатбардош кадрлар сифатида фаолият олиб бориши, юқори компетентлик ва креативликка (ижодкорлик) эга кадрларни тайёрлаш орқали аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишини кўриш мумкин. Бунинг учун таълим муассасаларида олиб бориладиган маҳорат дарслари (мастер-класс) нинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

“Маҳорат дарси” (инглизча Master class) - ўзига хос ўқитиши усули ва маълум бир ижодий фаолият соҳаси, мутахассиси томонидан олиб бориладиган, ўз фаолият соҳасида етарлича професионаллик даражасига эришган педагоглар томонидан ўтказиладиган дарс туридир[5].

“Маҳорат дарслари” да ўқитувчиларнинг бўш вақтини тўғри ва оқилона ташкил этиш мақсадида илғор педагогик технологияларнинг элементлари бўлган “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Зинама-зина”, “Занжир”, “Кичик гуруҳлар иши”, “Венн диаграммаси”, “Тақдимот”, “Тушунчалар билан ишлаш”, “Расм билан ишлаш”, “Балиқ скелети”, “Блиц сўров” ва шу каби бир қанча педагогик технологияларидан самарали фойдаланиб, интерфаол методлардан дарс жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларни шакллантириш бўйича долзарб бўлган мавзулар асосида назарий ва амалий машғулотлар олиб борилади ва фанга оид компетенциялар шакллантирилади. Бу эса фан ўқитувчининг келгусидаги педагогик фаолиятига ёрдам бериб, таълим сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласади.

Мактабларда ўтиладиган ҳар бир фан ўқитувчиларининг “Маҳорат дарслари” да янги мавзу, ўқитувчиларнинг янгича ёндашуви ҳамда маҳорати кузатилиб борилади. Маҳорат дарсларида замонавий ахборот коммуникация технологиялари таълимнинг ахборот-коммуникация технологиялари, таълимнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда дарслар ўтказилади.

Мактаб ўқитувчилари томонидан ўтказилган ҳар бир маҳорат дарсларида фан ўқитувчиларнинг, педагогик маҳорат алмашинуви, педагогик технологияларнинг қўлланилиши услублари, уларнинг фаоллиги, билими, креативлиги, касбий маҳорати ошиб боради, шулар асосида ўтиладиган фан ўқитувчиларининг дарсларни юқори савияда ўтишига, ўқувчиларнинг эса





билим даражасини юқори бўлишига, дарс самарадорлигини оширилишига олиб келади.

Дарс жарёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишда ўқувчилар фаоллигини ошириш, берилган вазифага масъулият билан ёндашиш, ўз иқтидорини кўрсатишда ўқитувчилар катта ёрдам беради. Ўқитувчилар маҳорат дарсларини ўтишда қизиқарли ўқитиш усулларини излаб топишга, ижод қилишга тўғри келади, ҳамда таълим мазмунини баён этиш учун бор кучини, маҳоратини ишга солиб, далил, кўргазмали қурол, дидактик тарқатма материаллар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиласи. Ўқитувчилар ўзаро мавзу, методлар, ижодий ишлар, амалий топшириқлар, уй ишларини, мустақил ишлаш, такрорлашлар юзасидан фикр, тажриба алмашади, лаборатория ишлари бажарадилар.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларни бир бирига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. “Маҳорат дарслари” ни ўтиш ва бу дарс юзасидан мактабда ҳар бир ўтилган маҳорат дарслари юзасидан семинар тренинглар ўtkазиш бўйича фан ўқитувчилари орасида ҳамкорлик ишларида яхши натижаларга эришиш мумкин. Бундай ҳамкорлик асосидаги ёндашувда ўқитувчилар фанга оид ўзаро ечимини кутаётган масалаларни ҳамжиҳатликда муҳокама этадилар, ечадилар, ўзаро малака алмашадилар, вазиятдан чиқишида ҳамкорликда ечим топадилар. Олган ахборотлари асосида билимларини бир-бирларига намойиш этадилар. Бир-бирларидан илҳомланиб, руҳий қониқиши ҳосил қиласи. Таълим мазмунини тўла ўзлаштиришга эришилади ва бу ёндашув ўқитувчилар компетенцияларининг тўлиқ шаклланишига имкон беради. Ўқитувчининг илмий дунёқараши ва эътиқоди, ижтимоий эҳтиёж ва аҳлоқий чуқур тушуниши, англаши, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, кенг илмий савияси, мъянавий интеллектуал қизиқиши, янгиликни ҳис қила билиши, эгаллаган билим ва кўнималари фаолиятининг маълум турини эгаллаб олиши, яхши бажара олиш қобилияти ошади. Бу ўз ўрнида ҳар бир ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Негаки, рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор - қилинган барча саъй-харакатлар охир-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини намоён этади. Шундай экан, педагоглардан виҷdonan меҳнат қилиш, ёруғ келажагимиз олдидағи масъулиятлилик, кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавоб бериш талаб этилади. Бу эса фарзандларимизнинг чуқур билим эгаллашларида асосий роль ўйнайдиган сифатли дарсда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, педагогларни дарсга тайёрланиш жараёнида таълимнинг “Маҳорат дарси” шаклидан фойдаланишда дарсларни ноанъянавий тарзда ташкил қилиниши, ўқувчиларни дарсларга катта қизиқиш билан қатнашишларини таъминлайди, ўқувчилар дарсларга аввалдан тайёрланиб келадилар, келгуси дарс қайси мавзу бўлишига эътибор





қаратадиларидан ишда дарсларни ноанъанавий тарзда ташкил қилиниши, ўқувчиларни дарсларга катта қизиқиши билан қатнашишларини таъминлайди, ўқувчилар дарсларга аввалдан тайёрланиб келадил эга бўлган, муваффақиятларга эришган ўқитувчилар томонидан ўтилиши таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошишига сабаб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев. Ш //Мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланди. Мактабдаги таълим сифати бўйича йиғилиш. //Янги Ўзбекистон газетаси 28 январ 2022.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонун//Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Тошкент: Адолат, 1998.-18-том. -3-36-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони , 11.05.2022 йилдаги ПФ-134-сон.
4. Мактаб таълимини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.
5. Аъзам Холиқов //Педагогик маҳорат. Ўкув қўлланма. Тошкент 2010,-312 бет.
6. А.Аъзамов, А.Юсупов //Ўқувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиш Т. Дарслик 2006 й.
7. Бабанский Ю.К. //Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари усулларидан фойдаланиш. Т.:Ўқитувчи, 2006.- 229 б.
8. .Нишанов.М.С., Туманов.У.Ф. //Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш малакасини ривожлантириш. Педагогика ва психологияда инновациялар 1 сон | 4 жилд | 2021. 4-8 бет.
9. Насырова Зарина Мунировна //Диагностическая деятельность будущих учителей. Педагогика ва психологияда инновациялар. Журнал №5. 2021
10. Хайтова Ф. А. //Maktabda o'quvchilarning o'qish madaniyatini shakllantirish-ning samarali usullari /Инновации в педагогике и психологии. – 2021. –Т. 4. –№. 6.

